



## МИСР БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулваҳоб Абдулрозик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Сенат раиси Ўзбекистон етакчисига Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кенг қамровли шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражадаги мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният

билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Мисрнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда геология, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Парламентлараро алоқаларни янада фаол ривожлантириш, қонун чиқарувчи органларда дўстлик гуруҳларини тузиш, олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъмин-

лаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро тузилмалар, жумладан, Парламентлараро иттифок, Кўшилмаслик ҳаракати ва Араб парламенти доирасида амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

## ICESCO БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Хива шаҳрида бўлиб ўтаётган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирлари йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.



Илм-фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларида ушбу нуфузли минтақавий тузилма билан конструктив мулоқот ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

ICESCO бош директори самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимизда бой илмий ва маданий меросни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат натижаларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Президенти ташкилот билан ўзаро манфаатли ва жадал ҳамкорликнинг бугунги даражасини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган, 2020 йилда Бухоро шаҳри, 2025 йил учун эса Самарқанд шаҳри ушбу мақомга эга бўлди.

Жорий йилда Хива Ислом дунёсининг туризм пойтахти ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ICESCOнинг Ислом цивилизациясини ўрганиш бўйича махсус кафедраси фаолият юритмоқда.

Ҳамкорликнинг янги йўналишлари сифатида қўлэмалар ва бошқа тарихий ёдгорликларни сақлаш, реставрация қилиш бўйича тажриба алмашиш, бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш, араб тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро илмий ва маданий тадбирларни ташкил этиш белгиланди. Амалий шерикликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистонда ICESCOнинг минтақавий ваколатхонасини очиш масаласи ўрганилади.

ЎЗА

## ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Йилдан йилга энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган замонда улардан оқилон фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2024 йилда ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Бу мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқаришга ҳалал бермаган ҳолда энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашни назарда тутди.

Шунингдек, истеъмолчиларни энергия аудитидан ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Унга кўра, энергия аудити фақат халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилади. Аудит асосида ташкилот ва корхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг ижроси назорат қилинади.

Бу борада шаффофликни таъминлаш учун энергия аудити хулосалари ва ундан кейин эришилган натижалар йиллик бизнес-режаларига киритилиб, кузатув кенгашида тасдиқланади.

Ҳар бир ташкилот раҳбарларига энергия самарадорлиги бўйича КРІ жорий этилади.

Шунингдек, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганликларини учун амалдаги тарифга ўсувчи коэффициентни қўллаган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш, истеъмолчилар томонидан мажбурий энергия аудити ўтказиш натижасида белгиланган чора-тадбирларнинг муддатда бажарилмаслиги, ушбу чора-тадбирлар

бажарилишидан иқтисод қилиниши кутилган ёқилги-энергетика ресурслари қиймати миқдоридан жарима қўллаш тартибини жорий қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Яна бир таклиф — ташкилотлар, ҳудудлар ва кўчмас мулк объектлари кесимида энергия истеъмоли рейтингини жорий этиш. Бунда Энергетика вазирлиги томонидан энергия сигими энг юқори ва энг паст бўлганларнинг “10 талиги” юритилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Тақдимотда энергияни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва уни амалга ошириш чоралари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чуқур ва пухта ишлаб чиқиш, кўрсаткичларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳокама-сига киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёрларлик масалалари муҳокама қилинди.

Президент мутасаддиларга тайёрларлик ишларини ҳозирдан бошлаш ва барча зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, электр ва иссиқлик станциялари узлуksиз ва барқарор ишлаши учун зарур ёқилги ресурслари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг захираларини шакллантириш, энергетика инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЖАДИДЛАР МЕРОСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини, ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш, шунингдек, 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда

— Жамғарма), Маданий мерос агентлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро шаҳридаги тарихий маскан — Хўжа Гулрез кўчаси 13-уй манзилида жойлашган Ҳовли Поён мажмуасида **Жадидлар мероси давлат музейини** (кейинги ўринларда — Музей) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Музей фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жадидлик ҳаракатига оид мамлакатимиз ва хориздаги турли манбалар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тиклаш, нусхалаш, эълон қилиш, улар асосида Музей фондини бойитиб бориш ва экспозицияларни яратиш, шунингдек,

маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги ҳиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

Музей экспозицияларини яратишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Музей Жамғарма тизимига киради ҳамда Музей фаолияти унинг биносидан қурилиш-монтаж ишлари якунланганидан сўнг бошланади;

Музей биносини мукамал таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудини ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ харажатлар иловага мувофиқ ажратилган манбалар ҳисобидан қопланади;

Музейни сақлаш харажатлари — Бухоро вилояти маҳаллий бюджети маблағлари, Музейнинг ўз даромадлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

Музейга штат бирликларини ажратиб ҳамда ходимларга иш ҳақи тўлаш Маданий мерос агентлиги тизимидаги музейлар учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Давоми 2-бетда



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ, МАМЛАКАТНИ ЕТУК КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛАДИ

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой ШАРИПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

3



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЖАДИДЛАР МЕРОСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

## Бошланиши 1-бегда

## 4. Жамғарма:

а) Маданий мерос агентлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Музей устави тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва малакали мутахассислар билан тўлдирish ҳамда Музей фаолиятига қўмаклашиш юзасидан тегишли чоралар кўрсин;

б) Фанлар академияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “Узрхив” агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи билан биргаликда:

Музейни жадиблик ҳаракатига оид музей ашёлари ва коллекциялари билан тўлдириб боришни ташкил этсин;

ушбу мақсадда жадиблик ҳаракатига оид ноёб китоб, қўлёзма, архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни аниқлаш бўйича чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилишини йўлга қўйсин, шунингдек, аниқланган материалларни таъмирлаш ва рақамлаштириш чораларини кўрсин;

в) бир ой муддатда Музей фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, Музей биносини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудий ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

5. Маданий мерос агентлиги “Миллий меросга менинг ҳиссам” умумхалқ акцияси доирасида аҳолидан жадиблик ҳаракатига оид тарихий материаллар, ашёлар, ноёб суратларнинг Музей учун харид қилиб борилишини таъминласин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Музейга хорижий давлатлардаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қўмаклашсин.

7. Музейни ташкил этиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган музей ашёлари ва коллекциялари, китоб ва қўлёзмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкциялар, меъба ва инвентарлар 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Музей фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Г.О.Умерова ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Б.К.Зарипов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 30 май

## Матонат

НОЛИГАННИНГ НОНИ  
БУТУН БЎЛМАЙДИ

Бутун жамиятда ўз ўрнини тополмаган, нафақат атрофидагилар, балки яқинлари қорига ҳам ярамайдиган одамлар учраб туради. “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, дея бор оғирлигини оиласи зиммасига юклаб қўйганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг бебаҳо умрини, қайтиб келмайдиган ёшлигини, олтинга тенг вақтини беҳуда ўтказётганини кўриб, “эсиз одам”, дегинг келади.

Орамизда шундай инсонлар ҳам борки, имконияти чекланган бўлишига қарамай, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Бировга боқиманда бўлишни хоҳламайди. Аксинча, аравасини ўзи тортиб, меҳнат қилиб, даромад топишга интилади. Бухоро вилояти Қорақўл тумани Тожиқент маҳалласида яшовчи Умиджон Азизов ана шундай метин иродали, ориятли, меҳнаткаш инсонлардан. 26 ёшида автохалокатга учраб, ногирон бўлиб қолган. Шунга қарамай, ҳалол меҳнат эвазига оила боқиб, кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган. “Ҳа, энди Умиджонга ўхшаганлар кам эмас. Улар ҳам ногирон бўлишига қарамай, рўзгорини бутлаб, жамиятга фойдаси тегиб юрибди. Ҳозир бундайларга кўп имконият яратилган-ку”, дейишингиз мумкин. Ҳақсиз, лекин имконияти чекланганлар учун бериладиган давлат нафақасидан Умиджон Азизов сингари бутунлай воз кечганлар жамиятимизда жуда кам бўлса керак.

— Бир вақтлар мен ҳам соғлом ва бақувват эдим. Фалокат оёқ остида экан. Бахтсиз ҳодиса туфайли юриш бахтидан маҳрум бўлиб, шифохонларда йиллаб даволанганман. Бироқ инсоннинг қалби соғлом ва ўзига ишончи банд бўлса, вужудидagi нуқсонни билинмайди. Бошимга тушган кўргилқидан йиллаб изтироб чеккан бўлсам-да,

яшашга муҳаббатим ҳеч қачон сўнганман. Соғлом одамлардек жўшқин ҳаётга қайтишимга ногиронлигим тўсиқ бўлолмади. Ота-онам, яқинларим ёрдамида ҳаракат қила бошладим. Оғриқни чидам билан енгсам, баъзи кишиларнинг ачинганнамо қарашларини кулиб қарши олганман. Хуллас, интилишларим зое кетмади. Бутун мен ўзимни ногирон билмайман. Аслида, ногиронлик нафақасини чўздирish учун йиллар давомида қайта-қайта кўриқлардан ўтиш, қишнинг совуғино, ёзининг жазирамасида кенгча навбат кутиш, баъзан навбатим келмай, ҳориб-чарчаб, шомда уйга қайтиб, эрта тонгдан яна шифокорлар олдига отланган йилларимни эласам, ўша давр ногиронликдан кўра азоблироқ бўлганини ҳис қиламан, — дейди йигит. — Юртимиздаги ислохотлар сабаб қоғозбозликларга барҳам берилди. Имконияти чекланганларга шароит яратилди. Отанга бор, онангга бор қабилда таниш-билишчилик билан қўл учиди битадиган ишларга чек қўйилди. Ногиронларга муносабат ўзгарди. Уқшиш, ўз устида ишлаши, изланиши учун шароит муҳайё. Яна туман мутасаддилари, маҳалла раиси ва фаоллари ҳафта ўтмай ҳол сўраб келади. Вақоланки, бутун ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмасми. Ҳалол меҳнат қилиб бировдан кам бўлмай яшаб

юрибмиз. Шу боис, ўзим учун тайинланган ногиронлик нафақасини рад этдим.

Умиджон Азизов бу омонат умрининг нечоғлиқ ганимат эканини, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси азизлигини, одамдан фақат яхши ном ва ахшиликлар қолишини, шифтга термилиб ётган чоғларида тарафқаранг бўлса, не ажаб. Аслида, барчамиз умрининг ўткинчилигини биламиз, чин дунёга қуруқ қўл билан кетишимизни ҳам теран англаймиз, аммо негадир пулнинг, мансабнинг, ҳашаматнинг ортидан қуваверамиз. Ўтаётган умримизнинг қадрига етмаймиз.

— Умиджоннинг оиласи маҳалламизда кўпчиликка ибрат. У беш сотихдан зиёдрак томорқасида эртаю кеч тиним билмай ишлайди, — дейди Тожиқент маҳалласи раиси Нурмат Отамуродов. — Йилнинг тўрт фаслида ҳам томорқасида бўш жой бўлмайди. Картошка, пилёз, турли қўқатлар, кеч кузда эса тўқсонбости экинлар етиштириш билан машғул бўлади. Даромад топишнинг удрасидан чиққан асил деҳқон. Унинг қўқатлар, кеч кузда билан топишнинг кўрмаганмиз. 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламиз аҳлининг деярли кўпи тадбиркор ёки томорқасидан даромад топаётган кишилар. Аммо баъзан ўзи соғлом бўлса-да, меҳнат қилишга бўйин эгмай, маҳалла идорасига келиб, ёрдам керак, пул керак, дея ҳаётдан нолиб, кўмак сўрайдиганлар учраб туради. Ушундай пайтда Умиджонга ўхшаб меҳнат қилиб, яшашни шараф билган хонадон соҳиблари ҳаётини, буқилмаган иродасини уларга намуна сифатида сўзлаб беришга тўғри келади.

Қорақўл тумани ҳокимлиги ва Тожиқент маҳалласи аҳлидан Умид Азизов ҳақида кўп яхши гапларни, ёмонликдан яхшилик излайдиган воқеаларни эшитдик. Бироқ тўла-тўқис эзиб ўтирмадик. Аммо сатрларимизни қаҳрамонимизнинг қалбидан чиққан оддийгина “Ҳаётдан нолиган одамнинг нони бутун бўлмайди. Ўзини жамиятга, оиласига керакман, деб билган одам борки, боқимандаликдан юз ўгириб, ўзи ва бошқаларга фойдаси тегиши учун тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилиши керак”, деган сўзлари билан яқунлашни маълум кўрдик.

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Ҳамкорлик истиқболлари

ТАШАББУСЛАР КЕЛИШУВГА,  
КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТГА КЎЧСА...

Ризо АСАДОВ,

Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари

Бугунги кунда Бухоро вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорларга қулай шароит яратиш ва маҳсулот экспорт ҳажмини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Бу жараёнда вилоятнинг хорижий давлатлар корхоналари билан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, Россия Бухоро вилояти билан ташқи савдо айирбошлаши юқори бўлган уч мамлакатдан биридир.

Ўтган 2023 йилда Бухоро вилояти ва Россия ўртасидаги ўзаро ташқи савдо айланмаси 413,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, тўқимачилик, саноатнинг кимё тармоқлари, озиқ-овқат ва турли хомашё маҳсулотлари экспорт қилинди. Яқин йилларда Россия билан ташқи савдо кўрсаткичини 1 миллиард долларга, 2026 йилда эса 2 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Албатта, бу мураккаб, бироқ бажариладиган вазифа.

2023 йилда Россиядан 84 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилди. Кейинги йилларда Бухорода Россия ишбилармонлари билан ўнлаб лойиҳа рўёбга чиқарилди. Бугун вилоятда Россия капиталли иштирокчида 60 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Хусусан, “Lukoil”, “МТО Газпромбанк”, “Алабуга”, “Enefer Engineering” каби йирик қўшма корхоналар ташкил этилди. Мазкур корхоналар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон — Россия худудлараро форуми доирасида ҳам умумий қиймати 50 миллион долларлик инвестиция битимлари ва 120,7 миллион долларлик савдо келишувлари имзоланди.

Жорий йилнинг 21-25 май кунлари Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов бошчилигидаги делегация Россияга хизмат сафари билан бўлди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва худудлараро муносабатларни

мустаҳкамлаш бўйича салмоқли келишувларга эришилди. Айниқса, делегациянинг Бошқирдистон Республикасидаги “Алга” махсус иқтисодий зонасидаги учрашувлари самарали кечди.

Ушбу саноат ишлаб чиқариш махсус иқтисодий зонаси Россия ҳудудининг 2020 йил 27 майдаги қарорига мувофиқ, Бошқирдистон Республикасининг Ишимбай ва Стерлитамак туманлари худудларида ташкил этилган. 2023 йилга келиб, иқтисодий зона худуди қўшимча ер участкалари ҳисобига янада кенгайди. Ҳозир унинг умумий майдони 763 гектардан иборат ва бешта алоҳида участкада жойлашган. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг кластер типига жойлаштириш, уларни тармоқлари, технологиялари ва хомашё базаси ўхшашлиги бўйича гуруҳлаш имконини беради. Иқтисодий зонада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чоралари сифатида ер участкаларини ижарага бериш учун пайсаяти бориш коэффициентини қўллаш имконияти бор. Шунингдек, унинг алоҳида мақоми барча резидентларга давлат даражасида кафолатланган солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этади.

Бошқирдистонда 5 та устувор ривожланиш худуди, “Алга” эркин иқтисодий зонаси, 12 та саноат парки ва 19 та технопарк мавжуд. Бошқирдистон саноат сийосати юритиш самарадорлиги бўйича Россия рейтингиди 3-ўринни эгаллайди. Йирик саноат кластери, бий фойдали қазилма конлари, қишлоқ хўжалиги экспорти ўсиши ва

кўплаб жиҳатлар бўйича Россияда етакчилардан бири. Буларнинг барчаси Бошқирдистонни Ўзбекистон, жумладан, Бухоро вилояти учун савдо, саноат кооперацияси ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича потенциал фойдали ҳамкорга айлантиради.

Бошқирдистонда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар раҳбарлари, бизнес доира вакиллари билан ўтказилган учрашувлар ва мулоқотларда мамлакатимиздаги кенг қўламдаги ислохотлар жараёни ва мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди. Бухоро вилоятининг инвестициявий салоҳияти ва имкониятлари тақдимот қилинди. Натيجида “Бухоро агрокластер” пахта-тўқимачилик кластери ва Бошқирдистоннинг “Алтин Салиқ” корхонаси ўртасида асарларчилик бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича дастлабки келишувга эришилди.

Жараёнда Бухоро делегацияси Уфа шаҳрида Бошқирдистон раҳбари Радий Хабиров билан ҳам учрашди. Ўзаро мулоқотда Бухоро вилояти ва Бошқирдистон ўртасида худудлараро амалий ҳамкорлик ривожига қаратилган савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий, маданий, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг қўламли алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бухоро вилоятида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг Россияга экспортини кенгайтириш мақсадида Бошқирдистон худудига махсус савдо уйлари ва бозорлар, агрологистика марказлари ва сақлаш омборлари ташкил этиш масаласи борасида алоҳида фикр алмашилди ва тўла қўллаб-қувватланди.

Бошқирдистон худудида галла, картошка, кунгабоқар, дуккакли экинлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун ер ажратиб бериш таклифи ҳам ўртага ташланди. Бунда етиштирилган маҳсулотлар Ўзбекистонга экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда. Бошқирдистон томони бу таклифни маълум қўллаб, Бошқирдистон худудидан 10 минг

гектаргача ер ажратишга тайёр эканини билдирди. Шунга қўра, “Бухоро агрокластер” пахта-тўқимачилик кластерига Бошқирдистон худудидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 9 минг гектар, дастлабки босқичда 2 минг гектар ердан ижара асосида фойдаланишга келишиб олинди.

Шунингдек, таширф доирасида Қармасқали туманида жойлашган “Артемид” компанияси билан қишлоқ хўжалигида уруғчиликни ривожлантириш, Уфа шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Урожай” корхонаси билан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, “Триба Башкири” корпорацияси билан қўзқорин етиштириш, шунингдек, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишларда замонавий технологияларни қўллаш юзасидан ҳамкорлик масалалари ижобий ечим топди.

Бухоро делегацияси Пермь ўлкасида ҳам қатор келишувларга эришди. Россиянинг алкоғолли ичимликлар саноати учун полимер қопламалар ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланган “Норд пак” компанияси фаолияти билан яқиндан танишилди. Маълумотларга қўра, компания 2005 йилда ташкил этилган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга. Россия марказида жойлашган маъзур ишлаб чиқариш қуввати маҳсулотларини мамлакатнинг барча худудларига, бундан ташқари, Беларусь ва Қозғистондаги асосий истеъмолчиларига етказиб беради. Компания фаолиятини Бухорода ҳам ташкил этиш ва кенгайтириш юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

“PermExpo” конференция ва кўргазмалар марказида ўтказилган “Пермь тадбиркорлари кунини” кўргазмасида Бухоро вилоятининг савдо ва иқтисодий салоҳияти, хорижий ҳамкорлар, бизнес доира вакиллари билан амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, Пермьдаги йирик бизнес доира вакиллари Бухоро вилоятига жалб этишга қаратилган қатор учрашувлар ўтказилди.

Делегациянинг Москва шаҳридаги учрашувлари янада манфаатли бўлди. “Тарвоз ҳумо равнақ транс” пахта-тўқимачилик кластерининг Москва шаҳридаги савдо уйида қатор келишувларга эришилди.

Мухтасар айтганда, вилоят делегациясининг Россияга таширф экспорт-импорт бозорини барқарорлаштириш, тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли ва самарали бўлди.

## Инвестиция

САЛОҲИЯТНИ БИРЛАШТИРИБ,  
ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИНИ  
КЕНГАЙТИРАМИЗ

Кейинги йилларда Наманган вилояти билан хорижий давлатлар худудлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция ва туризм йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, икки томонлама манфаатли келишувлар амалга оширилмоқда.

Оқибжон ИНОМОВ,

Наманган вилояти ҳокими ўринбосари

Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги очик, дўстона ва конструктив муҳитда ривожланиб бормоқда, икки мамлакат худудлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, ижтимоий-маданий алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Наманганнинг Свердловск, Челябинск, Самара ва Тула вилоятлари билан ҳамкорлиги “қардошлик” даражасига қийиб бўлган. Бу ҳамкорлик самараси вилоятимизнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида яққол намойён бўляпти. Савдо-сотик, инвестициявий имкониятлардан кенг фойдаланиш, экспорт миқдори ва географиясини кенгайтириш йўлидаги ишлар қўлами эса кундан кунга кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда Россия капиталли иштирокчида 51 та — 30 та қўшма, 21 та хорижий корхона фаолият юритмоқда. Улар саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сифатини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро ҳамкорликда 2 та янги корхона очилди.

Манфаатли ҳамкорлик доирасида саноат маҳсулотлари, тайёр буюмлар, машина ва асбоб-ускуналар экспорти ҳажми ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгайишининг биринчи мажлиси доирасида Наманган вилояти ва Догистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик келишуви имзолангани бу борада янги имконият эшикларини очди.

Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов ҳамда Догистон ҳукумати раҳбари Абдулмуслим Абдулмуслимов ўртасида икки томонлама музокаралар ўтказилди. Натيجида худудлараро савдо-иқтисодий ва сармоявий фаолиятини, шунингдек, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажминини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар келишиб олинди, истиқболли режалар белгиланди.

Хусусан, Наманган ва Маҳачқалъа шаҳарларида ўзаро таъминотни ташкил қилиш учун доимий кўргазма залларига эга савдо уйлари очилди. Догистонда “Наманганда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, озиқ-овқат ва чарм саноатида қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бизнес форумлари ўтказиш, икки шаҳар ўртасида тўғридан тўғри авиарейс борлигини инобатга олиб, туризмни фаоллаштиришга аҳоли фаровонлиги, худудлар ободилигига хизмат қилади.





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ, МАМЛАКАТНИ ЕТУК КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛАДИ

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой ШАРИПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Ҳар бир ислохот мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлигини кўзлаб амалга оширилади. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар, янгиланишлар замирида, айниқса, бу яққол сезилади. Чунки ўтган қисқа даврда ҳар соҳада, ҳар жабҳада туб бурилишлар ясалди, уларнинг самараси эса узоқ куттирмай кўрина бошлади. Буни биргина олий таълим тизимидаги ислохотларда ҳам кўриш мумкин. Соҳани ривожлантириш, тақомиллаштириш учун кўплаб муҳим ҳужжатлар қабул қилинган, тизимда мутлақо янги тенденциялар яратилгани ҳам фикримизга асос бўла олади.

Президентимизнинг жорий йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизimini тақомиллаштириш тўғрисида”ги фармони кенг жамоатчилик, аҳоли томонидан катта қизиқиш билан қутуб олинди.

Биз мақсуд ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, умуман, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикрлаш, шу кунларда халқимизни, айниқса, ёшлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтираётган саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой ШАРИПОВни суҳбатга таклиф этдик.

— Сўнги 6-7 йилда олий таълим тизимида қатор ислохотлар амалга оширилди, бу жараён босқичма-босқич давом этмоқда. Президентимизнинг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизimini тақомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳам биринчи навбатда инсон кадрини улуғлаш ва иқтидорли ёшларни олий таълимга кўпроқ қамраб олиш учун мўлжалланган, десак муболага бўлмайди, — деди суҳбатимиз аввалида Қ.Шарипов. — Ҳужжат олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва давлат гранти ажратилиш механизмларини тақомиллаштириш, ёшларнинг сифатли таълим олиши учун мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтириш мақсадини кўзда тутди.

Ҳабарингиз бор, жорий йил 6 май кунини Президентимиз ҳузурида олий таълим тизими бўйича тақдирот ўтказилган, унда бу мавзулар кенг муҳокама қилинган эди. Йўналишда вазирилик томонидан таклифлар билдирилиб, улар давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва ташаббуслари асосида тақомиллаштирилди. Биз бугунги кун муаммоларини ўрганиб, таҳлил қилдик.

Савол туғилади: бу муаммолар нима-лардан иборат? Масалан, айрим ёшлар ҳар йили олий таълимга қабул жараёнидаги танловдан бир оз вақт ўтгач, кўнгли тўлмай ёки қандайдир сабабларга кўра, ўқишини бошқа университетга кўчириш масаласи билан мурожаат қилаётган эди. Бу борада ҳар йили кўплаб аризалар келиб тушди. Уларнинг мазмунига кўра, талаба ўқишини бир факультетдан бошқасига кўчириш ёки ўзи танлаган университетни ўзгартириш мумкин бўлади.

Яна бир муаммо профессионал таълим билан боғлиқ. Гап шундаки, коллеж ва техникумларга қамров йилдан йилга пасайиб бормоқда. Бу масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш учун мана шундай ҳужжатга эҳтиёж юзага келди.

Бу йилги қабулга келадиган бўлсак, шу кунгача абитуриентлар ҳужжат топшириш жараёнида, биринчи навбатда, 5 та олийгоҳни танлар, сўнг имтиҳон ёки тестга қирарди. Натияжада ушбу олий таълим муассасаларида шу йили грант ўринларида балл юқорилаб кетса, абитуриентларда бошқа олийгоҳга кириш танлови йўқ эди. Янги тартибга кўра, олий таълим муассасаси қабул жараёнида иштирок этмайди, яъни имтиҳон топширган пайтда абитуриент таълим йўналиши ва олийгоҳни танламаган бўлади. Масалан, у келажакда технолог бўлмоқчи, муҳандисликка ёки механикага ўқимоқчи. Уша соҳадаги фанлар жамланмаси ва 3 та мажбурий фандан тест топшириб чиқади. Имтиҳондан сўнг у тўплаган баллига кўра, ўз ОТМсини топиши ва танлаши мумкин бўлади.

Грант ўринлари муайян йўналишдаги юқори балл олган талабарлар ўртасида тақсимланади. Бу биринчи ўзгариш ҳисобланади — иқтидорни қўллаб-қувватлаш учун қилинган қарор.

Қабул жараёнида энгилликлар берилди. Бу магистратурага кўпроқ тегишли. Масалан, олдин хорижий тилларни билиш сертификати талаб қилинган пайтда кўплаб олий ўқув юрларида магистратура учун ажратилган жойлар бўш қолди. Бу давлат буюртмаси бажарилмади, дегани. Бунинг олдини олиш учун айрим мутахассисликларда ўзгариш бўлди.

Магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим иختисосликларига қабул қилишда хорижий тилни билиш даражасини белгилловчи миллий ёки халқаро сертификатни кўриш талаб қилинган эди. Ўқув юрларида хорижий тиллар йўналишлари бўйича — камида С1 даражасида, гуманитар, биология ва турдош фанлар, математика ва статистика, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва ҳуқуқ-атворга мансуб фанлар, журналистика ва ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳалари бўйича — камида В2 даражасида, бошқа таълим соҳалари ҳамда маданият ва спорт мутахассисликлари (иختисосликлари) бўйича — камида В1 даражасида.

Бундан ташқари, абитуриент олий таълимга кирди,



УШБУ QR-KOD ОРҚАЛИ ВИДЕОГА УТИНГ.

Бу ҳам грантда ўқийётган ёшларни ўз устида доим ишлашга мажбурлайди, иккинчидан, контрактда ўқийётган ёшларни кейинги йил грант олиш учун кўпроқ ўқиб, яхши ўзлаштиришга ундайдиган тизим ҳисобланади.

Яна бир масала. Агар талаба олий таълимда грант асосида ўқиган бўлса, унда уч йил ишлаб бериш мажбурияти бор эди. Ҳозирги берилаётган грантлар икки тоифага бўлинади. Биринчиси — иқтидор учун бериладиган грантлар бўлиб, бу ишлаб бериш мажбуриятини олмайди. Юқори балл билан олийгоҳга кириб, охиригача битириб чиқди дейлик ёки у ўзининг контрактда ўқиган бошқа талаба эгаллади. Улар 4 йил давомида ўқиб бўлганидан сўнг 3 йиллик мажбуриятини олмайди. Яъни ўзи истаган жойга бориб фаолият бошлаши мумкин. Иккинчиси — ижтимоий грант, у имконияти чекланган ёшлар, кам таъминланган оилаларга ажратилади. Ёки грант мақсади билан бўлиши мумкин. Иш бевури ташкилотлар ҳам грант ажратиб ҳуқуқига эга. Бундай грантлар эса мақсадли бўлгани учун битириб чиққангандан сўнг улар

— Олий таълимдаги коррупция ҳам-манинг диққат марказида туради, ҳам-манинг долзарб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда жорий этилаётган тизимда талаба, айтай-лик, грантга қиради, кейинчалик маълум сабабларга кўра, яхши ўқиб олмас, яқ-бий баҳолар ололмас, демек, у контрактга ўтказилади. Ёки аксинча: контрактда ўқийдиган талаба ўзининг ижобий жиҳат-ларини намён этиб, грантга ўтиш им-кониятига эга бўлади. Мана шу ерда кор-рупция жараёнлар бўлмайми? Унинг олдини олиш учун қандай механизмлар мавжуд?

— Биринчидан, бизнинг олдимизда ҳали бир йил вақт бор. Яъни 2025 йилнинг август

— мақбул йўл. Бизда озгина вақт бор, ҳали бу борада аниқ ва шаффоф тизим яратамиз.

Нима бўлганда ҳам талабаларга грант ўқиш учун имконият берилади. Шунинг учун улар ўртасида ўзаро назоратни кучай-тириш — энг мақбул вариант, назаримда.

Бир стереотип мавжуд: имтиҳонда талаба-ларнинг бир-бирига ёрдам бериши, қўллаб-қувватлаши яхши. Лекин ривожланган мам-лакатлар тажрибаси бунинг қўллаб-қувват-ламайди. Чунки биз ташқаридан кимгадир ёрдам бериб, уни кейинчалик мутахассис сифатида шакллантирадиган бўлсак, у етук эмас, чала мутахассис бўлиб чиқади. Де-мак, жамиятимизга ҳам, иқтисодиётимизга ҳам фойда келтирмайди. Биз бунинг қачондир



ойингача мақсуд тизимни амалиётга татбиқ эти-тишим керак бўлади. Бу қисқа муддатда биз янги тизимда коррупцион эле-ментлар бўлишининг ол-дини оладиган механизм ишлаб чиқамиз. Ривожлан-ган давлатларда бу қандай амалга оширилади? Масалан, талабалар ўзаро бир-бирини на-зорат қилади. Чунки контрактда ўқи-ётган талаба юқори баҳо олиш учун ҳа-ракат қилади, лекин айтайлик, грантда ўқи-ётган талаба “шпаргалка”дан, телефондан фойдаланса ёки кимдир унга ёрдам бераёт-ганини сезса, талабалар ўзлари қамалмас назорат бўлимига хабар беради. Талабалар ўртасида бир-бирининг назоратини йўлга қўя олишимиз муҳимдир.

Бу жараёнда, шунингдек, ахборот техно-логиялари имкониятларидан ҳам фойдала-нишимиз керак. Назорат камераларини фолл қўллашимиз. Бунда ота-оналар ҳам имтиҳон жараёнини кузатиб бориш имкониятига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Яна бир мақ-садимиз жараёнда имкон қадар инсон факто-рини камайтиришдир.

Ўқитувчиларни имтиҳон жараёнидаги аралаштирмасдан компьютерлар орқали, техникалар орқали ташкил эта олсак, бу ҳам

барибир англаб, тушуниб этишимиз керак бўлади. Имтиҳонларда бир-бирига ёрдам-лашган ёки ташқаридан мадд олган талаба ёки ҳолат тўғрисида қамалмас назоратни хабар бермаслик аслида, келажакимиз, ривожланишимиз учун тесқари жараён-дир.

— Демак, жамоатчилик назорати, та-лабаларнинг ўзаро бир-бирини кузатиб бо-риши ўқув жараёнига фақат самара келтиради.

— Албатта. Мана, масофавий таълимни олайлик. Компьютерларга мақсуд дастурлар жойлаштирилади. У талабанинг юзини бо-шида эслаб қолади, агар имтиҳон жараёнида кўп ҳаракатланса, қанақадир яширин манба-лардан фойдаланса, буларнинг барини сеза-диган дастур ишлаб чиқилган. Кўплаб дав-латларда жорий этилган. Бунинг учун биз ҳам қўлласак, талабанинг ўзи кимнингдир ёки ниманингдир ёрдамига муҳтож бўлмайди.

Битта камчилигимиз бор — ҳали-ҳамон мустақил ишлашни, мустақил таълимни йўлга қўя олмаймиз. Шунинг учун бу бўй-ича йўриқнома тайёрлашимиз. Бунинг тўғри йўлга қўя олсак, ёшлар ўз устида ишлашни ўргана, олийгоҳни битирганидан сўнг, му-стақил кадр сифатида шаклланган пайтда ҳам олдида турган муаммоларини мустақил ечиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун халқаро университетларда ўқийётган тала-баларнинг деярли вақти бўлмайди. 4-5 соат

олий таълимда ўқиса, ундан сўнг 6-7 соат мустақил ўз устида ишлайди. Мана шундан-гина у мутахассис сифатида яхши шаклла-нади.

— Таълим сифати ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти билан баҳоланади. Ке-рак бўлса, илмий салоҳият ОТМ мавқе-ни белгилайди. Кўпчилик талабалар билан гаплашганимизда саноқий ўқитув-чилар салоҳиятини юқори баҳолайди. Ак-сарияти ўртамияналар рўйхатида кириб қолади. Ўқитувчиларнинг илмий сало-ҳиятини ошириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Бу жуда муҳим масала. Тўғри таъкид-ладингиз, таълим сифати профессор-ўқи-тувчиларнинг илмий салоҳиятига бевоқифа боғлиқ. Халқаро рейтинг бўладики, миллий рейтингимиз — олийгоҳларни баҳолайдиган тизимларда уларнинг салоҳиятига алоҳида эътибор берилади. Олий таълим бўлганидан кейин илмий салоҳият бўлиши ҳам керак-да.

Салоҳият нима билан баҳоланади? Би-ринчи навбатда, докторлик диссертациясини химоя қилган олимларимиз бу салоҳиятни белгилаб беради. Президентимиз бу бўйича бир нечта ҳужжатни имзолаган. Булар илмий тадқиқотни ривожлантиришга қаратилган.

Илмий салоҳият, аввало, профессор-ўқи-тувчиларнинг ўзига керак. Боиси, ўз устида ишлаб, тадқиқотлар қилиб, нуфузли журнал-ларда ишнинг кўрсата олган профессор-ўқи-тувчилар рабатлантирилади. PhD унвонига эга бўлган ўқитувчиларга ойлик маошининг 30 фоизгача, фан доктори бўлса 60 фоизга-ча қўшимча устама берилади. Ҳозир профес-сор-ўқитувчилар 10 миллион сўмдан зиёд маош оладиган бўлса, бу қўшимчасига яна 6 миллион сўмдан ошқ пул, дегани. Бугун астойдил ишлаган, меҳнат қилган мутахас-сислар 20 миллион сўмгача маош оляпти.

— Меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш катта самара беради. Бу дипломни “чанг босиб қоли-ши”, иш ўринлари етишмаслиги муам-моларига муносиб ечим бўлади. 2025 йил 1 маълум қадар жамланган маълумотлар асосида “Ўзбекистон янги касблар атласи” электрон платформаси яратилиши белгиланди. Бу жараён қандай амалга оширилади? Кадрлар тайёрлашда катта давр учун таҳлил олинмайдими? Яъни бугун муҳим, деб билган касбимиз эртга аҳа-миятини йўқотиб қўйиши ҳам инobatта олинмайдими?

— Бу масала жорий йил 6 май кунини Пре-зидентимиз ҳузурида ўтказилган тақдиротда бизнинг олдимизга қўйилган. Ҳозирги кун-да биз тайёрлаётган кадрлар учун профес-сионал таълимда бўладими, олий таълим тизимида бўладими, бозори бўлиши керак. Бугунги кунгача кадрлар тайёрлашда 306 та йўналишда бақарлар тайёрланди, ай-рим йўналишларда майдаланиб кетган ва натияжада келажакда уларни касб билан таъ-минлаш муаммоси ҳам пайдо бўлаётган эди. Шунинг учун буларни ҳозир 40 фандан ор-тиги йириклаштирилди. Масалан, 183 та таъ-лим йўналишига туширилди. Магистратура ҳам оптималлашди. Бу жараёнда, биринчи навбатда, жараёнда бўлаётган жараёнларга мослашган, бутун дунёда талаб қилинаётган касбларни ўрганиб, АҚШ, Сингапур, Европа давлатлари, Хитой, Жанубий Корея тажри-басини ўрганган ҳолда, меҳнат бозорига энг талаб юқори касблар рўйхати шакллан-тирилди. Кейинчалик ана шу касбларга мос малака талаблари ишлаб чиқилади, шунга мос кадрлар тайёрланади.

Барча тизимда, олий таълим ёки ўрта-мах-сус таълим тизимида ҳам бозорбоп кадрлар тайёрлаб, келажакда уларни иш билан таъ-минлаш масаласи ҳамда иқтисодиётимизни ривожлантириш нўқтан назаридан ҳам биз тўғри танловни ҳозирдан қилишимиз керак. Бу масалалар кўрсатилган муддатда таклиф этилади ва 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб замонавий касблар бўйича кадрларни тайёр-лаш бошланади. Бунинг учун янги адабиёт-лар авлоди яратилмоқда. Босқичма-босқич адабиётлар таржимаси, ундан кейинги босқичда моддий техник база, яъни лабо-ратор қурилмалар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Қисқасини айтганда, олдимиздаги 3-4 йил давомида биз барча таълим тизими бўйича янги касбларга мос кадрлар тайёрлаш тизимига ўтамиз.

— Қўнғиротбой АВЕЗИМБЕТОВИЧ, суҳба-тимиз мобайнида билдирган фикрларин-гиздан ҳам англашилдики, бугун мамла-катимизда олий таълим ислохотлари янги босқичга қадам қўймоқда. Бу биз тала-ган мавзу — ОТМга қабул жараёнидаги янгиланган мисолида ҳам кўринади.

Албатта, олдинда ҳам мақсадлар, режалар кўп. Мамлакатнинг бугунги ва келажак учун интеллектуал қудратли тизимни тубдан янгилаш ва уни муваф-фақиятли ишга тушириб юбориш жуда катта масъулият, фидойилик ва жонбо-лик талаб қилади. Биз эса шу йўлда барча мутасаддиларга, илмий жамоатчиликка, устозларга, ўз навбатида, ёшларимизга ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.



Юртимизда иқтидорли, билимли ва са-лоҳиятли ёшлар кўп. Улар сони йилдан йил-га ошмоқда. Дейлик, кучли билимга эга аб-итуриент олий таълим муассасасига имтиҳон топшириб, грант учун етарли балл тўплай олмай, контрактга тушиб қолди. У ўқишни истаيدди, бироқ оилавий шароити ёки ижти-моий аҳоли бунга тўқсунлик қилиши мум-кин. Натияжада ўқидан воз кечишга маж-бур, жамиятда ўз ўрнини тополмай қийналиб юрган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

дейлик. Илгари грантга кирган талаба 4 йил давомида шу имтиёз билан ўқиган. Масалан, юқори билимли, дея катта балл билан ўқи-шга қабул қилинган талаба “3” баҳо олсам, “4” олсам, давлат грантини сақлаб қолган. Янги тизимдан бундай бўлмайди. Энди жа-раён адолатчилик мезонидан келиб чиқиб тақсима этилади. Яъни агар талаба паст баҳога ўқийётган бўлса, кейинги йили унинг грант ўрни ўз ҳисобидан контрактда яхши ўқийётган талабага қайта тақсимланади.

Қабул жараёнида энгилликлар берилди. Бу магистратурага кўпроқ тегишли. Масалан, олдин хорижий тилларни билиш сертификати талаб қилинган пайтда кўплаб олий ўқув юрларида магистратура учун ажратилган жойлар бўш қолди. Бу давлат буюртмаси бажарилмади, дегани. Бунинг олдини олиш учун айрим мутахассисликларда ўзгариш бўлди.



Пиллачилик

# Она табииат шифоли

Бир ойлик иш — бир йиллик меҳнат стажига тенг



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

**“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакат ялпи ички маҳсулотига 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг долларга етказиш вазифаси белгиланган. Бунинг учун эса, аввало, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш зарур.**

Айни шу мақсадда кейинги олти йилда санатта жалб қилинган инвестиция ҳажми етти баробар ошди. Маҳаллий санат ишлаб чиқарувчилари ва тармоқ корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Пиллачилик ана шундай муҳим тармоқлардан биридир.

Тарихий манбаларда ипак курти етиштириш ва ипак йиғириш амалиёти бундан 4000 йил олдин Ўзбекистоннинг жанубида, шунингдек, Зарафшон дарёси бўйларида ривож топганига доир маълумотлар мавжуд. Ҳозирги кунда юртимиз пилла етиштириш ва ипак толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туради.

Мамлакатимизда ипакчилик турли даврларда гоҳ гуриқараган, гоҳ таназулга учраган. Тармоқ яқин ўтмишда ҳам қатор муаммоларни бошдан ўтказди. Шу боис, ипакчиликка эътибор пасайиб, аҳоли орасида ипак курти парварishiга иштиёқ сусайди. Оқибатда пилла етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетди.

Очигини айтганда, кейинги йилларда юртимизда пиллачилик оқсоқ соҳага айланиб қолгани ҳам бор гап. Ундан даромад кўриш эса анча пасайиб кетган эди. Бугунги кунда соҳага қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида пиллачилик таъминлаш бўйича кўрсаткичларни кескин тушиб кетди.

Онамнинг айтишича, агар пилла боқмасак ёки режасини бажармасак, томорқамизни олиб қўйишар экан. Бу шунчаки кўрқинчлими ё ростми, бунисини билмадим. Икки хонали уйни бўшатиб, ҳовлида жой қилиб ётадиган бўлдик. Пилла курти уруғини эса “хурмат” билан уйда парварishiлай бошладик. Ипак курти боқиш азоби қай даражада эканини унинг заҳмати билан тўғридан тўғридан яқин билдик. Айниқса, бизники каби тоғли қишлоқ пиллакорлари.

Болалик хотираларимга муҳрлини қолгани, май ойи охиридаги қарамай Ургутнинг тоғли қишлоқларида ёмғирли мавсум ҳали тугамаган, тонг маҳали ва кечки пайт салқин бўларди. Ана шундай ноқулай бир шароитда уйимиз бандлиги сабаб очиқ ҳавода дирдираб овқатланамиз, дарс қиламан. Раҳматли дадам билан тут уриб келамиз, тозалаймиз, печка ёқиб ҳароратни мўътадиллаштирамиз. Ниҳоят режани ҳам бажардик. Ундан қанча даромад кўрганамизни, қанча ҳақ олганимизни ҳеч эслолмайман.

Бу соҳа юртимиз қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан саналиши билан бирга, ипак ишлаб чиқариш ота-боболаримизнинг бой маданий мероси ҳамдир. Хонадонларда ипак курти боқиш, пилла етиштириш азалдан халқимизнинг асосий меҳнат машғулотидир, даромад манбаларидан бири бўлиб келган. Бугун ота-боболаридан қолган ана шу анъанани иштиёқ билан давом эттирувчилар сони ортиб бораётгани қувонарли. Боиси, кейинги йилларда ипакчилик ва пиллачилик тармоғини ривожлантиришга эътибор ортди, соҳада илғор технологияларни қўллаш кенгайиб бормоқда. Натيجада тармоқда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда сифатли пилла етиштириш кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бораётган.

Бирок дунёда кимё санати жадал ривожланиб, синтетик тола ишлаб чиқариш ҳажми ошаётгани жаҳон бозорига ипак маҳсулотларига талаб пасайишига ҳам олиб келди. Айни омил рақобатбардошликни ошириш, яъни ишлаб чиқарилаётган пиллачилик маҳсулотлари таннаҳини пасайтиришни тақозо этади. Бунга эса маҳаллий корхоналарни модернизациялаш, ҳар йили олиб келинаётган ипак курти импортини сезиларли камайтириш, озуқа базани мустаҳкамлаш, пиллакорларни рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Эътиборли жиҳати, соҳа ривожини боғлиқ айни жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, зарур маблағ ажратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, жаҳон бозорига ипак маҳсулотларимиз салмоғини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Келинг, шу ўринда соҳада эришилаётган ютуқлар, унга асос бўлган жиҳатлар тўғрисидаги фикримизни бир оз тартиб суриб, ҳозир барча соҳа ва тармоқлар ривожига, юксалиши, тараққиётининг бирламчи омили бўлган ЭЪТИБОР масаласига қисқача тўхталиб ўтсак. Юқорида юртимизда қадимдан ипак курти етиштириш ва ипак йиғириш ривожланганини айтдик. Атлас ва адрас тайёрлаш анъанавий технологияси ЮНЕСКОнинг Номодий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш реестридан жой олгани, ипакчилик ва тўқувчилик учун ипак ишлаб чиқариш анъанаси эса Инсониятнинг номодий маданий мероси презептанат рўйхатига киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Лекин шу ўринда савол туғилади: модомики шундай экан, нега унда ушбу йўналиш муайян мuddат “ўлди”. Бу, албатта, мавжуд тутзорлар аёвсиз кесилгани ёки чорва боқилиши натижасида озуқавийлик аҳамиятини йўқотгани, пиллакорларни рағбатлантириш тизими йўқлиги, умуман, эътиборсизлик, тизим эгасизлиги билан боғлиқ. Ваҳоланки, биринчидан, бу йўналишда бой тажриба ва ресурсларимиз мавжуд эди. Иккинчидан, ипак курти боқиш ва ипак йиғириш аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспортдаги имкониятлардан келиб чиқиб иқтисодий ёки барқарорлигини таъминлашга алоҳида ўринга эга. Биргина эътиборсизлик эса муайян мuddат соҳанинг ушбу салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўсик бўлди.

Нари бора, 6-7 йил илгаридан бошлаб пиллачиликка мос даражада эътибор қаратила бошланди, қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва соҳанинг жадал ривожига хизмат қилувчи тизим яратилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги қарори билан тармоқ учун масъул “Ўзбекипак-саноат” уюшмаси ташкил этилди. 210 га яқин корхона ҳамда ташкилот бирлаштирилиб, 13 та ҳудудий ва 144 та туман “Агропилла” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. 2023 йил 24 февралдаги “Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан эса юқорида номи қайд этилган ҳужжатга мувофиқ берилган солиқ ва божхона тўловларига оид имтиёзлар мuddати 2026 йил 1 январгача узайтирилди.

Пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хомашё базасини кенгайтириш ҳамда ипак курти уруғи ҳажмини кескин кўпайтириш, пилла етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали соҳадаги бандликни ошириш мақсадида жорий йил 3 май куни давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ҳужжати — “Пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида бозор механизмларини жорий

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси раиси Иқболжон Эргашев. — Жумладан, 74 та пилла-ипакчилик кластери ва 11 та уруғчилик корхонаси ташкил қилинди. Тут майдонлари 40 минг гектардан 55 минг гектарга кенгайди. Натيجада пилла етиштириш ҳажми 2,5 баробар ошиб, 26 минг тоннага етди, ипак маҳсулотлари экспорти 3 баробар кўпайди.

Яна бир муҳим жиҳат: юртимиз шароитида 2017 йилга қадар такрорий пилла етиштириш йўлга қўйилмаган. Аннқорига, Ўзбекистонда иқлим шароити такрорий пилла етиштириш учун мос ҳисобланмаган. Боиси, ўзгарувчан об-ҳаво шароитида етиштирилган пилла сифат кўрсаткичи паст бўлиши натижасида уни қайта ишлаш, яъни ипак толаси ишлаб чиқариш учун харажатлар кескин ортиб кетар эди.

Тизимда янги ёндашувлар, жаҳон талабларига мос ислохотлар амалга оширилиб, хориж тажрибаси ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинган ҳолда юртимизда бир йилда 4 мартаба пилла етиштириш йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса пилла етиштирувчи касаначилар соҳада 7 ой давомида узлуксиз меҳнат қилиб, даромад топмоқда.

Қувонарлиси, жаҳон бозорига ўта харидорлиқ бўлган ипак момиги ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Шу боис, учинчи ва



қилишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат соҳага бозор механизмларини таъбиқ этишни жадаллаштиришга қаратилган. Хусусан, пилла етиштириш ва ипакчилик соҳасида 2024-2027 йилларда тутзорлар майдонини 160 минг гектарга, дала четигада яқка қатор экилган тут дарахтлари сони 500 миллионга, ипак курти уруғига эҳтиёжни маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга, ишлаб чиқариладиган хом ипак сифати 5А класста ҳамда уни қайта ишлаш даражаси 75 фоизга етказилиш чоралари кўрилади.

— Охириги йилларда бу йўналишда ҳам кластер тизими жорий этилди, — дейди

тўртинчи мавсумларда етиштирилган пилла хомашёсининг асосий қисми ипак момиги ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Лекин ипак куртини парварishiлаш, касалликдан сақлаш агротехникаси етарлики ривожланмаган. Оқибатда йўқотиш нисбатан кўп. Асосий экспорт ҳалигача хомашё бўлиб қолапти. Шу боис, пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳажминини ошириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди. Бинобарин, мато ва уй тўқимачилиги қувватларини кўпайтириш орқали дунёда ипак маҳсулотлари импортининг 45 фоизи тўғри келётган Европа бозоридан ўрин олиш мумкин.

Ана шу мақсадда жойларда янги тутзорлар ташкил қилиш учун 105 минг гектар

**Айни пайтда мамлакатимизда гилам ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ корхона мавжуд. Ўтган йили бундай корхоналарга марказлашган ҳолда полипропилен олиб келиш йўлга қўйилгани яхши самара берапти. Айниқса, пилла хисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, чекка ҳудудлардаги аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.**

ер ажратилади. Бу ер лотларга бўлиниб, аукцион орқали аҳолига берилади, бунда ернинг бошланғич нархи 10 фоиз этиб белгиланади. Банд бўлмаган аҳоли, жумладан, аёллар мономарказлар ва пиллачилик кластерларида қисқа курсларда ўқитилади.

— Пиллачилик сердаромад соҳа, меҳнат қилган одам барака топади. Шу пайтгача пилланинг харид нархи пастлиги учун одамларда қизиқиб, манфаатдорлик кам эди, — дейди “Наманган Агропилла” МЧЖ раҳбари Ақобир Бекмирзаев. — Ўтган йилда вилоят бўйича икки минг тоннадан ортиқ пилла етиштирилди. Энг муҳими, моддий манфаатдорлик ортиди ва бу, ўз навбатида, меҳнатта муносабатни тубдан ўзгартирди. Президентимизнинг шу йил 3 майдаги фармони бўлишига, пилланинг харид нархи 25 фоиз оширилди. Пиллакорлар даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилинди, тутзорлар учун ер солигининг 10 фоизи тўланадиган бўлди.

Соҳада энг долзарб масалалардан бири — озуқа. Бунинг учун янги нави ҳосилдор тут қўчатлари экинчи кенгайтириш зарур. Озуқа базасини яхшилаш бўйича Ўтган йилда 9 миллион тутдан ортиқ, жорий йилда олти миллион тутга яқин тут қўчати экилди. Қўчатлар асосан, пахта майдонлари чети, ариқ ва дала бўйларига ўтказилди.

Тармоқда самарадорликни оширишнинг яна бир йўли — муқобил усуллари қўллаш. Масалан, Хитойда қанақунжут куртини парварishiлаб, ипак олиш кенг йўлга қўйилган. Бу янги йўналишни иқлим шароитимизга мослаб, таъбиқ этиш яхши самара беради.

Айни кунларда Уйчи тумани маҳаллаларида 2800 та хонадонда ипак курти парварishiламоқда. Уларнинг салмоқли қисми касаначилар ташкил этади. — Ўтган йили туманимизда 3522 қути ипак курти уруғи шартнома асосида касаначиларга берилди, — дейди “Уйчи Агропилла” МЧЖ раҳбари Салима Жўраева. — Натيجада мавсумда 204 тонна пилла сотдик. Ўтган йили бир кило пилла учун 32 минг сўмдан ҳақ тўланган бўлса, бу йил 40 минг сўмини ташкил этапти. Жорий йилда 3700 қути ипак курти тарқатилди. Кластер томонидан берилган ипак уруғи Хитойдан келтирилган. Ипак курти боқувчи касаначиларимизга уйининг яқинидан тут плантациялари ажратилган. Улар тут қўчатлари орасига рўзғори учун керакли сабзавот экинни экиб, бундан ҳам яхшигина даромад кўрапти. Энди ана шундай жойларга ипак курти боқишга ихтисослашган энгил типдаги кўчма куртхона куриш ниятидандир. Бу ортиқча оврагарчилик ва сарф-харажатларсиз мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини беради.

Ипак курти боқиш жуда катта меҳнат ҳамда масъулият талаб қилиши боис, уни парварishiлашга кўп қўч кучи керак бўлади. Туманинг Хонобод маҳалласида яшовчи Гулбахор Кўчқорова турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари билан биргаликда бунинг улдасидан чиқмоқда. Бу йилги ҳосилдан умиди катта.

— Икки қути ипак курти олганман, — дейди касаначи К.Кўчқорова. — Ўтган йили ҳам шунча олиб, 220 кило пилла топширган-дим. Бу йил 300 килога етказмоқчиман. Ўтган йили 6,5 миллион сўм даромад қилган-дим. Бу мавсум ундан ҳам кўпроқ даромад олишни кўзлагамиз. Асосийси, фарзандларим иш билан банд. Оиламизга барака инияпти. Шу билан бирга, бир ой меҳнатимиз эвазига бир йиллик иш стажини ҳисоблангани бизга яхшигина туртки бўлди. Энг муҳими, уйда ўтирган биз каби аёллар иш билан банд,

Мутахассислар таҳлилига кўра, соҳадаги даромадининг асосий қисмини хомашё етиштирувчилар эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар олади. Чунки жаҳон бозори нархи бўйича бир килограмм ипак хомашёсидан олинадиган даромад ундан мато тўқиб, кийим-кечак тикиб сотилганига нисбатан 3 баробар кам. Бошқача айтганда, минг сўмлик хомашёни қайта ишлаш орқали уч минг сўм даромад олиш мумкин.

— Аҳоли бандлиги ва маҳаллий санатда гилам ишлаб чиқаришнинг ҳам ўз ўрни бор, — дейди “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Мирмуҳсин Султонов. — Кейинги пайтда ипакдан гилам тўқишга талаб ортиб борапти. Масалан, битта гилам тўқиш учун ўртача 10 килограмм ипак қалаваси керак. Шу хисобда ипак ип учун 500-600 доллар атрофида маблағ сарфланади. Гилам тайёр бўлгач, унинг баҳаси 10 баробар ошади.

Айни пайтда мамлакатимизда гилам ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ корхона мавжуд. Ўтган йили бундай корхоналарга марказлашган ҳолда полипропилен олиб келиш йўлга қўйилгани яхши самара берапти. Айниқса, пилла хомашёси етиштириш ва уни қайта ишлаш хисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, шунингдек, чекка ҳудудлардаги аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Касаначиларнинг жисмоний шахсларга ҳисобланадиган даромад солигидан озод қилиниши, пилла боқувчилар ва касаначиларнинг пилла мавсумидан даврда бажарган ишлари уларга пенсия тайинлашда бир йиллик иш стажини, деб ҳисобланиши алоҳида белгиланган бўлиши, ушбу имтиёзлар пиллачилик соҳаси, ипак курти уруғи ва пилла етиштирувчилар, иккинчи томондан, пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш санати учун катта имконият ва қулайликлар яратиб беради. Натيجада пилла етиштириш билан банд аҳолининг моддий манфаатдорлиги ортапти.

Айни пайтда Наманган виллоятида етти пиллачилик кластери бор. Ипак курти боқувчи касаначилар билан тузилган шартнома режаси Ўтган йили ҳам ортиги билан бажарилди. Вилоят миқёсида 23 минг тоннадан зиёд пилла етиштирилиб, тўлиқ қайта ишланди ва хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Бундай натижага эришиш, аввало, шунга яраша яратиб берилган шароитлар билан боғлиқ. Айниқса, плёнка остида ипак курти боқиш тажрибаси яхши самара бермоқда. Ҳар беш гектар тутзорда биттадан инновацион пилла етиштириш маскани барпо этиляпти. Бу пиллахоналарда ипак курти Хитой технологияси асосида плёнка остида парварishiлаётгани боис, озуқа сарфи 30 фоизгача камайдди. Худудлар табиий иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, уларнинг иморати тўлиқ маҳаллий хомашёдан курилиши, баҳорда иссиқ, ёзда салқин бўлиши хисобига энергия ресурслари сарфи ўта кам.

Кўпчилик атиги бир ой давом этадиган ипак курти боқиш мавсуми, деб атайдиган соҳа аслида бир йиллик меҳнат билан боғлиқ. Боиси, тут парварishi, курт боқиш, пиллани қайта ишлаш жараёنларини ўз ичига олувчи узвий фаолият соҳа вакиллари катта масъулият талаб этади. Муҳими, пиллачиликдан мўл ҳосил етиштириш мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.





Бугуннинг гапи

ЮРТИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИГИ

ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Бехзод ТОҒАЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Абдуваҳоб УМАРОВ, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Таълим, соғлиқ, кўника, иқтисод, қобилият ва компетенциялар инсон капиталининг асосий элементларидир. Чунки у одамларда ижодкорлик, тахлили фикрлаш ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Инсон капитали кўйидаги сабабларга кўра, мамлакатнинг барқарор ривожланишида асосий роль ўйнайди.

Биринчидан, иқтисодий ўсиш ва инновацияларни яратувчи асосий куч бўлиб, юқори даражадаги билим ҳамда касбий маҳоратга эга инсонлар янги технологияларни яратиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва корхоналар фаолияти самардорлигини оширишда энг самарали иштирок этади.

Худуднинг ҳажми, ҳарбий қудрати ёки нуфуси эмас, балки юқори сифатли инсон капиталига эга бўлган аҳолиси инсоннинг интеллектуал салоҳияти чекланмаган ресурс сифатида уни ривожлантириши талаб қилади ва билимларни капиталлаштириш, инновацион ишланма ҳамда ноу-хауларни тижоратлаштириш, жорий қилиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши омилдир.

Иккинчидан, мамлакатнинг барқарор тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Юқори даражадаги билимга эга ва глобал муаммолардан хабардор инсонлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофазалаш ва ифлосланишни камайтиришга ёрдам берадиган қарорлар қабул қилишга қодир. Муносиб таълим ва касбий маҳоратга эга бўлганлар ўз-ўзини англаш, мартабада ўсиш ҳамда молиявий аҳволини яхшилаш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлиб, бу жамиятга камбағаллик, ишсизлигу тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради.

2017 йилда бошланган туб ўзгаришлар юртимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий ислохотларда инсон капитали ривожига қаратилган чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этди. Натижада бошлангич ва ўрта таълимнинг шахс камолотига таъсирини муҳимлигини эътироф этган ҳолда, мактабга таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 27 фоиздан 2023 йилда 74,4 фоизга, мактабгача таълим ташкилотлари сони 5211дан 29 минг 420 тага кўшди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги илк мақсадлар ҳам инсон капитали ривожига қаратилган таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, касбга ўқитиш, малака ошириш, илм-фан, ижтимоий ҳимоя кўрсаткичларига эришишга бағишланган. Жумладан, болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга, ёшларни олий таълим билан қамров даражасини омида 50 фоизга етказиш, таълим сифатини оширишга қаратилган қатор мақсадли йўналишлар белгиланган.

Жаҳон мамлакатлари тарихига назар солсак, уларнинг барчаси инсон капитали сифатини ошириш орқали улкан муваффақиятларга эришганини кўришимиз мумкин. Чунки инсон капитали илм-фан, таълим ва бошқарув каби соҳаларда ортиб борса, бу инновациялар, ижтимоий фаровонлик, тенглик, махсуддорлик, жамиятда ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши кўрсаткичлари ошишига, иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Стенфорд университети тадқиқотчилари 2019 йилда таълим ва соғлиқни сақлаш каби инсон капиталига инвестициялар жисмоний капиталдан кўра, иқтисодий ривожланиш учун муҳимроқ эканини аниқлади.

Хориж таърибасига эътибор берадиган бўлсак, Хитойда 2020 йилда олий таълим билан қамров даражаси 51,5 фоизни, миллион аҳолига тўғри келадиган олимлар сони 1235 кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 980 нафарга, Корея Республикасида 10 минг 48 нафарга, Германияда 7538 нафарга тенг. QS рейтингини бўйича дунёнинг юқори 1000 та университети сафидан Хитойнинг 51 университети ўрин олиб, АКШ, Буюк Британиядан кейинги ўринни эгаллаган. Илмий тадқиқот ишланмаларга харажатлар мамлакат янги ички маҳсулотининг 2 фоиздан ошган. Жаҳон банки тадқиқотига кўра, ҳар бир қўшимча таълим йили инсоннинг иш ҳақини 10 фоиз оширади.

Инсон капиталини ривожлантиришга сармоя киритиш бир қанча афзалликларга эга бўлиб, ташкилот даражасида унумдорлик, инновация ва рақобатбардорликни оширишга, шунингдек, иқтисодий ўсишни, ижтимоий мобилликни ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Тадқиқотлар инсон капитали юқори бўлган мамлакатлар барқарор иқтисодиётга эга экани, камбағаллик даражаси паст ва фуқароларнинг турмуш даражаси баландлигини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар янги ички маҳсулотининг 50 фоиздан ортигини билимга асосланган иқтисодиёт ташкил қилиб, у иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатида юқори технология, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқармоқда.

Хозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг асосий бойлиги унинг табиий ресурслари,



енгишга ва буюқ мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Билимга асосланган иқтисодиётда креатив, иқтисодий фикрлайдиган, янги технологияларни яратадиган, жамият ҳаётида мавжуд муаммолар ечимини ҳал қила оладиган олий маълумотга эга инсон ресурсларини тайёрлаш тақозо этилади. Аҳолининг олий таълимга эга бўлиши нафақат мамлакатнинг инсон капитали салоҳиятини оширади, балки тенгсизлик, камбағаллик, ишсизлик, норасмий бандлик, яширин иқтисодиётни камайтиради, ижтимоий адолатли давлатни барпо этишга катта ҳисса қўшади. Ҳар бир инсон узлуксиз таълим ва малакасини ошириб бориши учун масъулдир. Чунки кўникмалар мазмуни доим ўзгариб бормоқда. Аксарият ривожланган мамлакатларда узлуксиз таълим тизими самарали фаолият юритиб, у одамларга умри давомида ўқиниш давом эттириши ва малакасини ошириш имконини беради.

Олий таълим хотин-қизлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва унинг аҳамияти жуда юксак. “Ўғил болага таълим берсанг, бир кишига таълим берсанг, қиз болага таълим берсанг, бутун халққа таълим берсанг”, деган ҳикमत бугун ҳам долзарблигига қолмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, давлат ОТМнинг магистратура босқичида ўқитган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан қоплаб бериляпти. ОТМ, коллеж ва техникумда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлашда 7 йил муддатта фоизсиз таълим кредитлари ажратилляпти. Булар гендер тенгликни таъминлаш баробарида шахсий ривожланиш, ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг жорий йил Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидagi айрим рақамларни келтириб ўтиш ўринли. Бугунги кунда олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг ярмидан ортигини, магистратурада ўқитганларнинг эса 60 фоизини қизлар ташкил этмоқда. Юртимизда сўнгги 5 йил ичида ишбилармон аёллар сони икки баробар кўпайиб, тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Утган 2023 йилда 200 мингга яқин аёл касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 400 мингдан ортиғи иш билан таъминланди.

2022 йилда таянч докторантурада тахсил олаётган эркаклар сони 2016 йилдагидан 3,8 марта, аёллар сони эса 5 марта, олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга, ОТМнинг сони эса мос даврга 69 тадан 213 тага, бакалавр босқичида жами талабалар сони 264,3 мингдан 1 миллион 314 минг, магистратурада 24 мингдан ошгани юртимизда таълим ва илм-фан ривожига устувор аҳамият берилаётганини тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожига етук иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш, бозор тенденцияларини тахлил қилиш, иқтисодий жараёнларни прогноزلаш, мамлакат, тармоқ ва ҳудудларнинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини назорат қилишда уларнинг ўрни бекиёсдир. Шу жиҳатдан Президентимизнинг жорий йил

7 февралдаги “Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жуда муҳим.

Инсон капиталининг меҳнат бозорига доим рақобатбардор бўлиши учун таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган касб-ҳунар таълими ва касбга тайёрлаш, узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг фуқаро ҳамда ташкилот учун манfaatли тизimini яратиш вазифаси долзарб. Узлуксиз таълим шахсий ёки касбий сабабларга кўра, доимий, ихтиёрли ва мотивацияланган ҳолда билим олишга интилишдир. Бу шахснинг рақобатбардорлиги ва ишга жойлашишини, шунингдек, ижтимоий интеграция, фаол фуқаролик ва шахсий ривожланишни оширади.

Шу ўринда инглиз тилининг халқаро мулоқот тили сифатида кенг қўлланилиши, мақомини ҳисобга олиб, уни барча таълим муассасаларида пухта ўрганишни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса глобал таълим ресурсларига кириш, талабаларга илмий ишларни ўрганиш, халқаро конференциялар, тадқиқотлар ва алмашинувларда қатнашиш имконини беради. Инглиз тилини билиш мутахассисларга касбий маҳоратини оширишга, соҳасининг сўнгги тенденцияларига амал қилишга, халқаро лойиҳалар ва ҳамкорликда иштирок этишга кўмаклашади.

Кўпгина технологик инновациялар, он-лайн ресурслар ва дастурлар инглиз тилида ишлаб чиқилган бўлиб, уни билиш одамларга ўзини ривожлантириш, янги кўникмаларни ўрганиш ва зарур ресурслардан фойдаланиш ҳамда турли мамлакатлар ва маданиятлардаги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилиши осонлаштиради. Умуман, тил билиш дунёқарашни кенгайтиришга, меҳнат бозорига рақобатбардорликни оширишга, мулоқот қобилиятини яхшилашга, шахсий ва касбий ривожланишни бойитишга ёрдам беради.

Инсон капиталини ривожлантириш орқали мамлакат ўз халқининг тўлиқ салоҳиятини очади ва янада фаровон келажакни яратди. Масалан, Японияда “мартаба зинаюяси” тушунчаси мавжуд бўлиб, инсоннинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ижтимоий мавқеи ва мартаба ўсиши имкониятлари шунчалик баланд бўлади.

Ташкилотларда инсон капиталини ривожлантиришнинг долзарблигини кўйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, ходимларнинг кўникмалари ва билимларини ривожлантиришга инвестиция қилиш уларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини оширади. Ходимлар зарур билимларга эга бўлса, ташкилий мақсадларга эришишга самарали ҳисса қўиши ҳамда юқори сифатли ишларни бажариши мумкин.

Иккинчидан, инсон капиталини ривожлантиришга устувор аҳамият берадиган ташкилотлар бозорда рақобатбардор устуликка эга бўлиб, яхши ўқитилган ва малакали

ҳодимлар компанияларга инновациялар яратиш, ўзгарувчан бозор шaroитларига мослашиш ва рақобатчилардан олдинда бўлиш имконини беради.

Учинчидан, ташкилотда ўрганиш ва ўсиш учун имкониятларни таққий қилиш ходимларнинг қониқши ҳамда фаоллигини оширади. Ходимлар кадрланиши ва қўллаб-қувватланётганини ҳис қилса, уларнинг ташкилотда қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Тўртинчидан, ворисликни режаллаштириш имконини беради, яъни инсон капиталини ривожлантириш ташкилотларнинг келажакда етакчилик ва муҳим ролларни ўз зиммасига оладиган иқтидорли шахсларга эга бўлишини таъминлайди.

Бешинчидан, тез ўзгарувчан бизнес муҳитида ташкилотлар мослашувчан ва чидамли ходимларга муҳтож бўлиб, инсон капиталини ривожлантириш ходимларини ўзгаришларни қабул қилиш, янги технологияларни ўрганиш ва мураккаб вазиятларда самарали ҳаракат қилиш кўникмалари билан таъминлайди.

Олтинчидан, ходимларнинг билим ва тажрибасини ривожлантириш ташкилотларда инновация ва ижодкорлик суратини оширади.

Еттинчидан, инсон капиталини ривожлантиришга сармоя киритилиши ходимларнинг меҳнат самарадорлигини таъминлайди.

Инсон капиталини ривожлантиришда таълим соҳасидаги мавжуд муаммоларни тан олган ҳолда креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган рақобатбардор мутахассислар тайёрлаш, таълим сифатини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда “Университет 3.0” концепцияси асосида таълим, илм-фан ва тадбиркорлик функцияларини уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимидаги ислохотларга қарамай, ҳануз мамлакатдаги ишчи кучининг кўникма ва малакаси меҳнат бозорига иш беришчи талабларга жавоб берадими. Давлат инсон капиталини ривожлантириши учун, биринчи навбатда, таълимнинг барча босқичларида сифатни ошириш ва узлуксиз таълим тизimini такомиллаштиришни лозим. Ривожланган мамлакатлар таърибаси асосида ташкилотлар томонидан ҳомий сифатида таълим муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш, илмий тадқиқот лойиҳалари, талаба, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака ошириш харажатларини ва таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилган шу каби сармоя киритишларини рағбатлантириш тизimini яратиш муҳим. Академик, молиявий мустақиллик, ўзини ўзи молиялаштиришга эришиш ва профессор-ўқитувчиларни мотивациялаш оқибати ОТМнинг рақобатбардорлиги, самарадорлигини ошириш ҳамда уларни жаҳон рейтингига юқори 1000 таликка киритишга қодир бўлган менежерлар билан таъминлаш лозим.

Тахлил минбари



Архившунослик: кадрлар тайёрлаш талаб даражасидами?

Хизмат турлари рақамлаштирилиши, сунъий интеллект имкониятлари соҳаларда босқичма-босқич жорий этилиши архивларга эҳтиёжни камайтиргандек туюлади. Аслида, ундай эмас. Аксинча, рақамлаштириш архивлар олдидаги масъулиятни ошириб бормоқда. Сабаби, архивларнинг бугунги кундаги вазифаси фақатгина уюм-уюм ҳужжатларни йиғиб қўйиш эмас, ҳоҳ электрон, ҳоҳ ёзма аҳамиятга эга манбаларнинг барчасини бешикат сақлашдир.



лозим. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётни ўрганишда архив ҳужжатлари муҳим ўрин тутади. Архив ҳужжатларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бериш-бутирн етказишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бу ҳужжатларга нафақат бугун ёки эрта, балки асрлар оша ҳам инсонлар муурожаат қилади, халқимизнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти ҳақида ўзларини фикрланган маълумотларни олади. Архивлар халқимизга хос бебаҳо қадриятларни, урф-одат ва анъаналарни, маънавий

қарашларни, босқичма-босқич ривожланиш тамойилларини авлодларга нодир асарлар, ноёб ҳужжатлар воситасида етказишга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятли. Шундан келиб чиқиб, уларни асраб-авайлаш, пухта ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш архив ходимларининг асосий вазифасидир.

Ҳар қандай даврда ҳужжат билан ишловчи, яратиш ва юритиш, уларни сақлаш кўникмаларига эга ходимларга эҳтиёж юқори бўлган. Ўз замонасида подшоҳларнинг ҳам энг яқин кишилари ҳужжат билан ишловчи ходимлар бўлиб, улар саройда муҳим амалдорлардан бири сифатида улуғланганини кўришимиз мумкин. Орадан қанча даврлар ўтса-да, бугунги кунда ҳам ҳужжат билан ишловчи, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишни ташкил қилувчи ходимларга эҳтиёж юқорилигига қолмоқда. Шунга яраша улар олдидаги талаблар ҳам катталашляпти.

Архившунос, аввало, катта билимларга эга бўлиши, фақат архив соҳасини эмас, балки тарихни ҳам мукамал ўрганиши лозим. Шу билан бирга, араб, форс, рус тилларини билиши керак. Мисол учун, Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида араб, форс, лотин ёзувларидаги 1917-1919 йиллардаги ҳужжатлар сони кўп. 1919 йилдан эътиборан мустақиллик даврига қадам аксарият ҳужжатлар эса рус тилида чоп этилган.

Соҳага олий маълумотли кадрлар етказиб бериш мақсадида бир неча олий таълим масканида архившунослик йўналишини очилгани, тизимда секин-аста олий маълумотли архившунос ходимларнинг кўпайгани қувонарли. Ушбу таълим даргоҳларида тахсил олган кадрлар ҳозирги кунда давлат ва идоравий архивларда фаолият юритмоқда.

Шунингдек, давлат архивларида кўп йиллардан буюн фаолият юритиб келётган, аммо олий маълумотга эга бўлмаган 200 га яқин ходим ҳозир Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг архившунослик йўналишида тахсил оляпти. Бироқ давлат архивларида ишлаётган ходимларнинг умумий сонига нисбатан олий маълумотли кадрлар камчилиги ташкил этади.

Электрон ҳужжатларни архивда сақлаш, хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологияларни қўллаш ва жорий этиш учун ривожланган инфратузилмага эга бўлган хорижий мамлакатлар таърибасига муурожаат қилиш тавсия этилади. “Электрон ҳукумат” лойиҳасини муваффақиятли ривожлантиришда ва бошқарув ҳужжатларининг узоқ муддатли сақланишини таъминлаш муаммосини ҳал қилишда илгарилар бораётган Жанубий Корея, АКШ ва Европа



Иттифоқи таркибидидаги қатор давлатларни кўрсатиш мумкин. Кўпгина ҳолларда бу вазифа улар томонидан миллий даражада белгилиниб, тегишли ҳужжатларда мустаҳкамланади.

Жумладан, Жанубий Корея архив муассасалари энг ривожланганлар сафида туради. Жанубий Кореяда аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш “электрон ҳукумат” орқали амалга оширилади. Ушбу мамлакатда 2007 йилдан бошлаб давлат органларининг ҳужжат айланиш тизими тўлиқ тарзда қозғосиз ишлашга ўтказилган. “Электрон

ҳукумат”нинг муваффақиятига мазкур давлатда ҳужжат таъминоти ва архивларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани асос бўлган, десак муболага эмас. Бу мамлакатда 65 та миллий архив бошқаруви, жумладан, электрон ҳужжатларни йўналтириш стандарти мавжуд. Бугунги кунда Жанубий Корея аҳолиси “электрон ҳукумат” тизими орқали 1300 дан зиёд давлат хизматидан фойдаланиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам архив соҳасида кўплаб ўзгаришлар амалиётга жорий этилмоқда. Келгусида ҳужжатларни рақамлаштириш орқали фойдаланувчиларга янада кенг имкониятлар яратиш, виртуал кўргазмалар тўғрисида оммага архив ҳужжатларини намойиш қилиш, халқимиз онлидаги архив — эски қоғозлар сақланганидан жой, деган тушунча вазибалар тизимли амалга ошириб борилади. Шу ўринда олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда малакали мутахассислар тайёрлаш кўламини ҳам янада кенгайтириш устувор мақсадларимиздан бири.

Ҳозир “Дунё бўйлаб” телеканалда “Архивариус”, “Ўзбекистон тарихи” телеканалда “Манбалар сўзлаганда” кўрсатувлари мунтазам бериб борилаётгани, телерадиоканаллар ҳамда газета-журналларда архив соҳаси кенг тарғиб этилаётгани фуқароларимизнинг архив, архившунослик соҳасидаги билимлари юксалишига ҳисса қўшаётир.

Соҳада ҳал этилмаётган муаммолар йўқ эмас. Хусусан, архившуносликда хорижий тилларни мукамал билидиган малакали мутахассисларга зарурат кучли, аммо ҳозир соҳадаги иш ҳақи юқори эмаслиги бундай кадрларни кўпроқ жалб этишни қийинлаштирмоқда. Шу ўринда маoshлар миқдори бошқа тизимлардаги каби мунтазам ошириб бориlsa, бу бўлиқнинг ўрни тўлиб боришига эришишимиз мумкин.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Жонибек АЛИЖОНОВ ёзиб олди.



Уйғоқ фикр

# КОМИЛ ТАРБИЯ ҚАЙҒУСИ

## унинг биз орзу қилаётган кўриниши аслида қандай бўлиши керак?

**Президентимизнинг шундай гапи бор: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларига асосланган кучли маънавий”.**



**Комила КАРОМОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

сабабини билсак бўладими?” дея сўраганида у: “Богбон ерни юмшатиб, кўчат ўтказиб, атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаш, керак вақтда сув билан ўғитиб бериб турса, дархат тезда етилди, серхосил бўлади. Бола ҳам ёшлигидан яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, нафақат ўзини, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамият учун фойдали, керакли инсон бўлиб етишди”, деган экан.

Ҳўш, бугун бу борадаги ахвол қандай? Кўпчилик, айниқса, ёшлар интернетни китобдан афзал билади. “Икки ёшли болам телефоннинг бошидан кириб, охиридан чиқади”, деб мактанамиз. Сал хархаша қилса, жим бўлсин, деб қўлига телефон тутқазиб, ўзимиз ҳам телефонимизга ёпишамиз. Компьютер олдида тондан тунгача ўтириб, ранги сомондек сарғайиб, асабий бўлиб қолган фарзандим билан ишимиз йўқ. Қўлига телефонни тутқазиб, қандай фойдаланётганини назорат қилмаймиз. Соатлаб шу матоҳга ўзимиз ҳам ёпишиб қоламиз. Оилада ҳеч ким бир-бирига халал бермаса, бўлди, қолгани билан на отанинг, на онанинг иши бор.

Ҳар қандай янгиликнинг ўзини яраша салбий томони ҳам бўлганидек, замонавий ахборот воситасининг ёмон оқибатлари ҳам аллақачон натижасини кўрсатди. Оилалар бузилаётгани, жиноятлар келиб чиқишига ҳам телефон сабаб бўлаётгани бор гап. Айни пайтда интернет сайтларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. У — катта минбар. Минбардан сўз айтишнинг эса масъулияти бор. Базан ким нимани хоҳласа айтганганини, ёлғонини, уятни, ҳақоратни аралаштириб, андишасиз сўзлаётганини эшитиб, юрак орқага тортиб кетади. “Бу гапни ишқилиб ёшлар эшитмасин-да”, деб хавотирга тушамиз. Аммо ёшлар буни аллақачон сиздан олдин кўрган, эшитган бўлади.

Газетада ишлаганимизда бир фактorni юз бора текшираб эдик. Рақам эртасга хато бўлмасин, шу хато газетада чиқиб кетмасин, нотўғри сўз айтмайлик, деб жонимиз ҳалак бўларди. Ҳар бир сўзимиз, оҳангимиз тарбиявий аҳамиятга эга бўлсин, деб ватанпарварликни, андишани тарғиб қилардик. Қайси китобни фарзандимиз билан ўқиймиз, қайси кўрсатув ёки кинони оила билан томоша қиламиз — ҳаммасини обдан ўйлар эдик. Бугун эса сайтларда уятсизлик, миллий қадриятларимизни

топтовчи, ахлоқсизликни тарғиб этувчи андишасиз сўзлар бемалол айtilмоқда. Бу ахлоқсизликни турмушга чиқмаган қизлар, оила қурмаган йигитлар, ёши катталар эшитишти, мактаб ўқувчилари кўряпти. Уятдан одамнинг етти эмас, етмиш қават териси тушиб кетяпти.

Кеча нуфузли ташкилотта бордик. Атрофимда ёши улуг отахон ва онахонлар. Қабулхонадаги қиз бизни кўриб, киприк ҳам қоқмади.



Салом бериб кирдик. Ўрнидан номига бўлса-да, кўзгагиб қўймади. Сабрим чидамади: “Қизим, ёши катталар салом бериб, кириб келяпти, ўрнигингиздан туриб, кутиб олиш қийинми?” дедим. Қиз оғринибгина ўрнидан кўзгалди.

Ўйлаб қоламан. Аслида, одамийлик, ҳурмат-иззат шу оддий саломлашишдан бошланади-ку. Болаларимизга берадиган биринчи тарбиямиз ҳам саломни ўргатишдан бошланиши керак эмасми?

Бугун давлатимиз раҳбари ўзи бош бўлиб, фарзандларини тарбиясига, маънавиятига катта эътибор беришимиз кераклигини гапирётгани бежиз эмас. Ҳеч қайси



мамлакатда китоб ўқиган муқофот олмаган. Фақат бизнинг юртимизда китоб ўқиган 7 ёшдан 70 ёшгача борки, рағбатлантириляпти. Автомобиллар совға қилинган. Биргина Қашқадарё вилоятида китоб, китобхонлик тарғиботи бўйича кейинги бир ойда учта — “Маърифатли оила”, “Китобхон оила”, “Юз газал — юз жавоҳир” каби танловлар ўтказилди. Китобсевар болаларимиз сони кундан кунга ортаётди. Бу тадбирларнинг самараси эса кўнгилни ифтихорга тўлдирди.

Масалан, китобхонликнинг тарғиботи натижасида 80 ёшли шонр ва педагог, фидойи устоз Турди Ҳайдаров ташаббуси билан ташкил

етилган “Истеъдод чорлови” шеърят клуби аъзоларининг “Қашқадарё жилгалари” номли 40 та тўплами чиқди. Ундан 400 дан зиёд ўқувчининг ижод намуналари жой олган.

Китобхонликни қанча тарғиб-ташвиқ этмайлик, рағбатлантирмайлик, маънавият ва маърифат тадбирларини қанча кўп ўтказмайлик, одоб-ахлоқ ҳақида қанча кўп гапирмайлик, турли сайтлар орқали кутилмаганда ахлоқсизлик тарғиб этилаверса, қўлимиздаги телефонда истаганча уятсиз сўзлар, беодоблик кўрсатилаверса, ўйламай сўз айтилаверса, натижага эришиб бўлмайди.

Сўз инсонни тарбиялайди. Шу билан бирга инсон тарбиясини издан ҳам чиқаради. Сўз инсонни осмонга кўтарди ва айни пайтда ер билан тенг қилади ҳам. Улуг ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор “Сўз атомдан кучли”, деган. Ёшлигимизда ўқиган китобларимизга ота-онамиз, муаллим, кутубхоначилар назорат қилган. Улар ёшимизга қараб китоб танаб, қўлимизга тутқазган. Бугун болаларимизни ота-она, муаллим эмас, интернет тарбиялапти. Диктант олсангиз, гиж-гиж хато ёзадиган, адабий тилининг энг сода қоидаларини ҳам билмайдиганлар кўпайиб борапти. Сўзининг масъулияти, тарбиявий аҳамияти бор, ахир. Ҳақиқатан, интернетта муқассаддан кетган баъзи болаларимиз бугун ахши-ёмонни фарқлай олмапти. Миллий қадриятларимизга каттага ҳурмат, кичикча иззат тушунасини билмапти.

Ёшлигимизда ҳомилдор келинчақлар қайнота, ота ва акалари олдида кўринишдан уялар эди, десам, очик-сочик, ярим яланғоч юрган қизларимизнинг эисаси қотаяпти. Бугун ахборот тарқатишини ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Ким, нимани қандай, нима мақсадда тарқатаяпти? У маърифат ёки бузғунчилик максadini кўзлагитми? Абдулла Қаҳҳорнинг “Уят” номли ҳикояси ҳос туйғундай дейди: “Уят фақат инсонга хос туйғундай. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, лекин инсон уятини йўқотиб, ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин”.

Бугун ўқув марказлари ва ўқувчилари сони ошаётганидан қувоняпти. Турки олимпиадаларда Ўзбекистоннинг голиб ёшлари сафи

кенгаётганидан севинаямиз. Тўққиз-ўн ёшли болакаларни ўқув марказларида учратиб:

— Ҳа, болаларим, — десам: — Президент мактабига тайёрлангилар, — дейди бири кўзига ўт порлаб.

— Ижод мактабиде ўқимокчиман, — дейди иккинчиси фаҳр билан.

Уларнинг қалбиде шу ўт ўчмаслиги, билмига интилиши сўнмаслиги, эртага суянчимиз, севинчимиз бўлиши учун бугун ўғил-қизларимизни эҳтиёт қилайлик.

Президентимиз ҳар доим барча ота-оналар, зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар фаоллари, муҳтарам нурунийларимиз эътиборини ёшлар тарбиясига қаратади. Бу эса барчамизни илҳомлантириши лозим.

Шундай экан, ҳар биримиз тарбия, одоб-ахлоқ борасида масъулияти бўлишимиз, масалала “менга нима” деб эмас, ҳаётимиз, келажагимиз мазмуни деб, юрак-юракдан, вужудимиз билан ёндашмоғимиз керак. Ҳаммасидан ҳам аввал ахлоқимиз, одобимиз, тарбиямиз гўзал бўлишига ҳаракат қилишимиз зарур.

Интернетни чеклаш фикридан мутлақо йироқман. Демокриманики, тармоқдаги сайтларни назорат қилиш вақти аллақачон келган. Ошқоралик, демократия, сўз эркинлиги никоби остида ёт гоиларнинг кириб келишига йўл қўймайлик. Ахлоқсиз сўзлар, ҳақоратлар учун қонунчиликда белгиланган нормалар ишлаши керак. Чунки глобаллашув даврида тарбия ва одоб-ахлоқимизга эид ахборотлар, турли ножоиз, хунук ҳаракатларга бугун ҳаммамиз баравар қурашмасак, йўлини тўсмасак, кўп йиллик тарихга эга урф-одатларимизни, маданиятимизни топтоган бўламиз. Қадриятларимизни хушёр бўлиб қўриқласакгина, фарзандларимиз бахтли-саодатли, замонасининг етуқ, фидойи кишии бўлиб вояга етади. Ёши улуг ўқувчимизнинг сўзларини эслаймак: “Фарзандлари тарбиясига эътибор бермаган ота-она кексайганда ҳеч нарса эмас қилади”.

Биз эса болаларимиз камолтини кўришни, улар биздан ҳам бахтиёр бўлишини ниёт қилганимиз. Шундай экан, уларни кўзимиз қарогига, қалбимиз ардоғида асрайлик, назоратсиз қолдирмайлик. Давлатимиз раҳбарининг бугун маънавий бошқа соҳаларнинг уч қадам олдида юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак, деган сўзларининг моҳиятига етайлик.

## Нуқтаи назар

# “Қ УРБОН БЎЛАЁТГАН” ДАРАХТЛАР

## Уларни мораторий ҳам кутқариб қололмаяпти

Бугун қурғоқчилик, жазирама ва бошқа экологик ҳолатлар бугун дунёда долзарб муаммо бўлиб турибди. Яқин йиллар ичида ҳавонинг исиб кетиши, чанг бўронлари, атмосфера ҳавоси ифлосланиши кескин ортиб бормоқда. Пойтахтимиз эса ҳаво ифлослиги бўйича ТОП-10 талиқдан тушгани йўқ. Бунинг сабабларидан бири сифатида шаҳарда дарактларга нисбатан аёвсиз муносабатлар кўрсатиляпти.



Бугун мамлакатимизда ҳар бир қарич ерни обод қилишга эътибор кучайган. Жумладан, шаҳарни тоза ҳаво билан таъминловчи дарактлар экиш, уларни асраб-авайлаш энг долзарб масалага айланди. Шундай пайтда борини кесиб ёки бошқа жойга кўчириш кишини ўйга солади.

### Табият ҳам стрессга тушади(ми?)

Савол туғилади: танаси қарийиб бир қучоқ келадиган баҳайбат дарактлар ёз чилласи олдида томири билан кўпориб олиниб, бошқа жойга экилаётган экан, уларнинг барчаси ўзини тутиб яшнаб кетишига ким қафолат беради? Буларнинг ўрнига қачон даракт экилади-ю, қачон соя беради?

— Ёз фасли арафасида турибмиз. Ушбу фаслда дарактларнинг ўзини тутиб кетиши даражаси анча паст бўлади. Иссиқ бўлгани учун дарактлар стрессга тушади. Бу эса уларнинг яшаб кетишини пастайтиради. Фикримизни илмий асосласак, Барча турдаги даракт ва буталар уларда вегетация даври бошлангунча экилганда



яшовчанлиги юқори ҳолатда сақланиб қолади. Вегетация даври бошлангандан сўнг кўчириб ўтказилган дарактларда яшовчанлик пастайиб боради, ортиқча сарф-харajatларга олиб келади, — дейди Тошкент Ботаника боғи дендрология лабораторияси мудири, биология фанлари бўйича фалсафа доктори Элдор Темиров.

### Дарактлар “қабристон”

Бундан икки йил илгари юз берган воқеани эслайлик. Фаргона йўли кўчасининг таъмирланиши муносабати билан кўп йиллик катта дарактлар Яшнобод туманининг

Алимкент кўчасига кўчириб келтирилган эди. Ҳозир ўша ўнлаб дарактлар бутунлай қуриб қолган ҳамда бу ерда йирик дарактлар “қабристон”и пайдо бўлган. Бу эса бугун ҳам аҳоли норозилигига сабаб бўляпти. Яшилликка бурканиши режа қилинган майдон тошлоқ ва сувсиз бўлишига қарамай, у ерга дарактлар кўчириб ўтказилгандан кейин бутунлай қаровсиз қолдирилган. Оқибатда ҳамма дарактлар шунчаки қуриб қолган. Бу ҳолатни эса масъуллар “об-ҳавонинг ноқулай келгани” билан изоҳлаган эди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Янги-ҳаёт туманидан ўтган ер усти метросининг сўнгги 14-бекети олдидаги 17 туп кўп йиллик чинор метро курилиши сабабли бошқа жойга кўчирилган. Мутасаддилар дарактларнинг яшаб кетиши учун барча чоралар кўрилишини таъкидлаган. Аммо кўчириб ўтказилган 17 туп чинорнинг тақдирини номаълумлигича қолмоқда.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**



**Мансурбек ЖАББОРОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Салим ДОНИЁРОВ**

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1874.  
44034 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ, офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев  
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй